

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан  
2016 йил «18» *апрель* да  
44-2-сон билан рўйхатга олинган

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарув Раисининг

биринчи ўринбосари

*Ходжаев С.С.*

М.У.

**“ТРАСТБАНК”  
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ  
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР**

2016 йил «30» мартдаги  
“Трастбанк” ХАБ  
акциядорларининг навбатдан  
ташқари умумий йиғилишининг  
41-сон баённомаси билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

Банк Кенгаши Раиси



*Ш.Т. Абдукамиллов*

Тошкент 2016 йил

## “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Уставига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар

### 1. 28-банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

Банкнинг устав капитали акциядорлар томонидан сотиб олинган (Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ва чет эл валютасида) банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Банк ўз акцияларини Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахсларига, резидент ва норезидентларига сотиш ҳуқуқига эга. Банк томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлади. Банк устав капитали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуналигида кўзда тутилган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас.

### 2. 29-банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

Банкнинг устав капитали 40 250 000 000 (Қирк миллиард икки юз эллик миллион) сўм миқдоридан шакллантирилган ва қўйидаги акцияларга тақсимланган:

Оддий – 40 227 000 (қирк миллион икки юз йигирма етти минг) дона;

Имтиёзли – 23 000 (йигирма уч минг) дона.

### 3. 30-банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

Устав капиталини кўпайтириш мақсадида Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 8 000 000 (Саккиз миллион) дона, жумладан:

Оддий акциялар – 8 000 000 (Саккиз миллион) дона.

### 4. 51- банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

Акциядорлар (шу жумладан норезидент жисмоний ва юридик шахслар) амалдаги қонуналикка мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда банк устав капиталига улуш сифатида пул маблағларини киритишлари мумкин.

### 5. Янги 51-1- банди киритилсин ва қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

Банк акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига эркин айирбошладиган чет эл валютасида ҳақ тўлаш кўзда тутилган ҳолларда, ушбу ҳоллар алоҳида равишда ҳар бир қимматли қоғозлар чиқарилиши шартларида (эмиссия рисолаларида ёки қимматли қоғозлар чиқарилиши шартларида) кўрсатиб ўтилади ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### 6. 52- бандга қўйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг розилигини олган ҳолда сотиб олинган банк устав капиталидаги улуш миқдорини ошириш учун Марказий банкнинг такроран олдиндан розилигини олиш талаб этилади.

Банк акцияларини сотиб олиш учун қўйидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг олдиндан рухсатини олишлари шарт:

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари;

Акциялар ёки улушларининг эллик фоиздан ортиқ қисми Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгаллигида, фойдаланишида ва (ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикасининг резидентлари - юридик шахслари.

Оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган норезидент юридик шахслар ва оффшор ҳудудларда истикомат қиладиган чет эл фуқаролари жисмоний шахс Банк акциядорлари бўлиши мумкин эмас.

### 7. 83- банднинг биринчи хатбошига қўйидаги мазмунда жумла қўшилсин:

Туланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори туланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

**8. 101- банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:**

Банк акцияларига эга бўлган ва Банк акциядорлари реестрига киритилган юридик ва жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидент ва норезидентлари Банк акциядорлари деб ҳисобланади.

**9. 102-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён қилинсин:**

инвестиция воситачисидаги депо ҳисобрақамидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

**10. 102-банднинг ўн иккинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён қилинсин:**

ўз акцияларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга (шу жумладан норезидент жисмоний ва юридик шахсларга) сотиш йўли билан акциядорлар таркибидан чиқиш;

**11. 107-банднинг ўн учинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён қилинсин:**

банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва ақсадидан келиб чиққан ҳолда банкнинг узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

**12. 119-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён қилинсин:**

банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар доирасида Банк бошқарувиининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

**13. 153- банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:**

Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Банк кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши озим.

Банк Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин ёлон қилиши шарт.

Банк Кенгаши Раиси



Ш.Т. Абдуқамилов

Тикилган ва рақамланган

9 ( *yuqori* )  
варакдан иборат

*19 aprel* 2016 йил

Имзо

